

Қуръон ўқувчилар



11:06 / 20.02.2018 4595

Бугунги дарсимизни оромидан воз кечиб, айниқса, инсон ўз роҳатини истаб турган бундай вақтда Аллоҳнинг Китобини ўрганишни афзал деб билиб шу ерда ҳозир бўлган дўстларимизни яна бир бор дуо қилиш билан бошлайман. Ишонаманки, ушбу оз сонли жамоат ёки шаҳарнинг асосий ўзаги бўлган бу уммат Аллоҳни рози қиладиган ишларни бажаришни ва Аллоҳнинг Китоби ҳамда Расулulloҳнинг ҳидоятларига мурожаат қилишни ўзларининг роҳатларидан устун деб биладилар. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам айтганларидек, биз улар сабабли зафарга эришамиз ва улар сабабли ёмғир ёғиб сероб қилинамиз.

Бу озчиликнинг муайян бир кўринишда бўлиши шарт эмас. Мен суратларга ҳам, кўринишларга ҳам эътибор қилмайман, балки қалблар ифориغا, яъни Аллоҳни улуғлаётган ва уни яхши кўрган ҳамда Аллоҳнинг китобига боғланган инсон қалбидан таралаётган ифорга эътибор бераман. Булар Аллоҳга муқарраб бўлган Аллоҳнинг солиҳ бандаларидир. Сурат ва кўриниш билан бизнинг мутлақо ишимиз йўқ.

Лекин мен ҳозир бу ерда Аллоҳнинг розилигини ва Аллоҳнинг Китобига улфат бўлишни нафсининг роҳатидан афзал деб билган кишиларни кўраяпман. Ишонаманки, бу оз сонли жамоат умматнинг устунларидир. Шулар сабабидан Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бизлардан мусибатларни кўтаради. Мен бу гапларни фахрланиш, мақтаниш ёки ўзимни яхши кўрсатиш учун айтаётганим йўқ, балки Аллоҳнинг шукрига сабаб бўлиш

учун эсламоқдаман. Бу Аллоҳнинг муҳаббатига ишорадир. Аллоҳнинг бизга бўлган муҳаббати бизнинг Унга бўлган муҳаббатимиздан олдиндадир, Унинг севгиси бизнинг севгимиздан ўзиб кетган.

Имом Бутий.

Абдуллоҳ Фуломов таржимаси.